

ХИЗМАТЛАР КҮРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА № 4

7-бозор шахри

« 6 » 01 2022 йил

Эттөрдөлөв орлогын, кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар Фариджон Фаррух номидан, бир томондан ва Халилжон Жумабеков, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар Муроджон Абдуллаев номидан, иккичи томондан мазкур шартномани қуидагилар хакида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га ишларини бажариш (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул килиш ва кийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи мазкур иловада курсатиб утилган.

№	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Сони	Хизмат нархи	Баҳоси
1	Неготинта олмасалтур R/M 185x70	доңға	4	410000	1640000
2	Мой олмасалтур	литр	4	50000	200000
3	Май филтр олмасалтур	доңға	1	20000	20000
4	Хобо филтр олмасалтур	доңға	1	20000	20000
5	Аморбизатор олмасалтур	юне	4	55000	220000
6	Ремонт хоба	комплект	1	215000	215000
7	Эсизмат жокни				700000
Жамиси					5000000

1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати 2022 йил " 6 " 01 дан 2022 йил " 31 " 01 га амалга оширилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" нинг хукуклари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи" нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини коплашни талаб килиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб килиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
 - "Хизматлар"нинг камчиликлари белуп бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини коплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини "Бажарувчи"дан талаб килиш.

2.2. "Буюртмачи" нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджет еки бюджетдан ташкари ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул килиш;

2.3. «Бажарувчи» қуидаги хукуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан хак тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб килинишини "Буюртмачи"дан талаб килиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул килиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини "Буюртмачи"дан талаб килиш.

2.4. «Бажарувчи» қуидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Газначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараённида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл кўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тузиладиган шартномаларида, коидага кўра, 15 фоиз микдорида олдиндан хак тўлаш назарда тутилган.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси Беш минимум сўм сўмни ташкил этади.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи микдорида 1500000 сум маблағ 2022 йилнинг 21 май ойида олдиндан хак тўлайди ва кўрсатилган "Хизматлар" учун хисоб фактура тақдим килингандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи микдорида 3500000 сум якуний тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларида мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб хужжатида газначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га хак тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган холда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул килишни рад этишга ҳақлидир.